

ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 5 феврал шанба
Сотувда эркин нархда
№ 26 (2323)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ИХТИРО ҚЎЛ КЕЛДИ

Шўртан газ конлари бошқармасининг газдан олтингургурни ажратиб олиш ҳеҳида кичик бир ихтиро туфайли бир йилда уч миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолдирилган бўлди. Гап шундаки, печлардаги тутун мўриларининг ноқулай жойлашиши уларнинг тез қизиб, ишдан чиқишига олиб келарди. Бошқарма технология бўлими мутахассисларининг ихтиролари туфайли мўри иш жараёнига ҳалақит бермайдиган тарзда жойлаштирилди. Натижанда газдан олтингургур бир маромда ажратиб олина бошладди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎЗА муҳбири.



МАРКАЗ ДЕСА, ДЕГУЛИК

Гулистон шаҳрида кейинги йиллар мобайнида қўлга олинган қорик ва яратувчилик ишлари амалга оширилди. Сўнг кўчалар, замонавий тишда қад ростлаган бинолар, маънавий иншоотлар шаҳар ҳудудига ҳўн қўшиб турибди. 2000 йилнинг биринчи чоракда эса бу ерда нафақат вилоятда балки, республикада ягона бўлган Реабилитация соҳмадашлари маркази ўз фаолиятини бошлади. Мазкур марказ 250 дан ортиқ беморни қабул қилишга мўлжалланган.



налардан тўғри фойдаланиш ва маънавий орттириш учун эса Финляндияга 6 та ерак юборди. СУРАТЛАРДА: марказ қурилиши жараёнида аҳолилар Баҳром ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор қишлоқ хўжалигига қаратилмоқда. Бу соҳанинг ҳаётимиз учун нақадар муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорида ҳам алоҳида таъкидланди. Зотан, республика аҳолисининг ярмидан кўпроги қишлоқларда яшайди. Кейинги йилларда амалга оширилаётган тадбирлар, шу жумладан, қалла етиштирилмайдиган майдонлар пахта майдонлари ҳисобига оширилгани ялпи дон майдонини ошириш имконини бериб.

ЭРКИНЛИК САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

қайиб бормоқда. Кўпгина хўжаликлар ширкат, деҳқон, фермер, акционерлик хўжаликларига айлантирилди. Оилавий пудрат усули кенг жорий этилмоқда. Машина-трактор парклари ва техникага сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз далаларида Америка Қўшма Штатларининг минглаб "Магнум", кўпгина "Кейс" дон ва пахта териши комбайнлари ишлаб турибди. Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга мослашган "ЎзКейсмаш" ва бошқа қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш санати аста-секин барқарорлашиб, ривожланиш йўлига ўтиб бормоқда.

тўғрисидаги тушунчалари шаклланиб, улар меҳнатнинг муносиб рағбатлантирилмасини эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмапти. Бундан ташқари, корхоналар ўзларидagi молиявий муаммолар, шартномаларнинг ўз вақтида бажарилаётганини ҳам ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошишига тўққонлиқ қилиб, хўжаликларнинг ривожланишини секинлаштириб қўймоқда. Очич айтишимиз керак, биз ҳали кўпгина қишлоқ

эса уни тўлиқ ҳолда хўжалик ихтирога бериш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қишлоқ хўжалигидagi ислохотларнинг суғлигига асосий сабаблардан яна бири — бу тармоқ ҳодимларининг янги бозор иқтисодиёти шaroитига тез мослаша олмаётганидир. Деҳқон ўз меҳнати натижаларига қизиқмас экан, ҳар қандай соҳада бўлгани каби, ҳеч қандай замонавий техника ва технология билан қишлоқ хўжалигини ривож-

қўпчилик деҳқонлар кооператив хўжалик ташкил этишини ва унда ишлашни ёки унга аъзо бўлиб қолиб, дивиденд олишни маъқул топдилар. Бу эса кооперативга ҳам, деҳқонга ҳам анча қулайлик туғдириди. Шундай қилиб, кўп тармоқли йирик кооператив хўжаликлари вуजूда келди. Лекин шуниси борки, уларда ишловчи деҳқонларнинг сони аввалги хўжаликларга нисбатан анча камайди. Кооперативларда фақат қишлоқ хўжалигини яхши тушунадиган, жонқур кишилар ва керакли тузилмаларига қолдирилди.

хўжалик аъзолари ишга келадилар-у, вақтларини беҳуда ўтказадилар, иш билан тўла таъминланмайдилар. Бу эса хўжалик рентабеллиги ва иш ҳақининг камайишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келади, кам ишчи кучи талаб қиладиган янги технологияларни қўллашга ҳалақит беради. Умуман, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, унда ишловчилар маошини кўпайтиришининг асосий йўллари билан бири — бевосита ишловчиларнинг сонини камайтиришдир. Ҳозир ривожланган мамлакатларда ҳар 100 гектар майдонда 1-2 одам ишлаша, бизда бу кўрсаткич 30-40 кишини ташкил этади. Ишловчилар сонини камайтириш учун механизация даражасини ошириш, янги технологиялардан унумли фойдаланиш зарур. Ихтиёрий асосда ёки танлов йўли билан хўжаликда фақат керакли миқдордаги деҳқонларни қолдириш, хўжаликда кўп йиллар ишлаган бошқа аъзоларга акция ёки пай асосида дивидендлар тўлаш керак. Бу эса уларнинг хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ёки бошқа соҳаларда ишлаш имконини беради. Бундай кишилар қарда бўлмасинлар, хўжаликнинг ривожланишига хайрихоҳ бўладилар, ҳамкорлик асосида ёрдам берадилар. Ингизтерим мавсумида эса хўжалик уларни ҳам қўшимча ишчи сифатида ёллаши мумкин. Қишлоқ аҳолисини даромадининг ошиши эса ўз навбатида хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига олиб келади.

Мутахассис нуқтаи назари

хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатларидан орқадимиз. Масалан, картошкадан Германията нисбатан 3-4 марта кам ҳосил оламиз: Бу шуни кўрсатадики, картошка ҳосилдорлиги 1,5-2 марта оширилса, экин майдонларини кўпайтирмай туриб, нафақат ўзимизни картошкка билан таъминлаймиз, балки уни экспорт қила олиш имконига ҳам эга бўламиз.

Шунинг учун хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, айниқса, одамларда ерга эгаллик ҳиссини кучайтириш зарур. Ер киши ҳаёти даражасини белгиловчи асосий манба эканлигини деҳқон нафақат ҳис қилиши, балки уни амалда қўриши ҳам лозим.

Шарқий Германияда кооперативни ижарчилик йиғилиши раис бошқаради. Мисол учун, Поштан ёнидаги кооператив хўжалигида 4275 гектар ер, қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар парк, 1500 бош йирик зотдор ситир бўлган қорамолчилик ва 10000 дан ортиқ чўчқаси бўлган чўчкачилик фермалари, картошкка сараловчи-сақловчи машина-механизмлар ва омборлар бор. Қалла ҳосилдорлиги бу хўжаликда гектарига 60 центнерни ташкил этади. Жамоада суюқ маҳддлий ўғит ва бегона ўтларга қарши гербицидлардан кенг фойдаланилади. Фермаларда иш тўлиқ механизация ва автоматлар зиммасига юклатилган, ситирлар фақат сунъий усулда уритилади. Бундай хўжаликлардан ташқари, Шарқий Германияда ҳар бири 150-200 гектар ерга эга мустақил фермерлар ҳам талайгина.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида ислохотларнинг муваффақияти, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, нафақат давлат ва раҳбарларнинг, балки унинг асосий қисми бўлган деҳқонлар ва мутахассисларнинг ҳам янги бозор иқтисодиёти шaroитига тезроқ мослашишига, уларнинг ташаббуслорига боғлиқ. Шунга эришишга деҳқон ўз меҳнати самарасини ҳис қила олади, сидқидилдан, тўла иштиёқ билан ишлайди.

Мухаммадзахроб ИСМАНОВ,
техника фанлари доктори, профессор.



ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Навоий кон-металлургия комбинати кўп миллатли жамоасининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни беқийсиз. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида замонавий технологияни жорий этиш ҳисобига тоғ жинсларини қазиб олиш аввалги йилга нисбатан 47 фоиз ортди. Ялпи саноят маҳсулоти ишлаб чиқариш режаси 102 фоиз бажарилди, валюта тушуми кўпайди. Комбинатга қарашли "Агата" фирмасида тайёрланаётган турли хил кийим-кечақлар харидорбонлиги ва сифати билан ажралиб турлади. Бу ерда 1999 йилда 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Лекин биз ҳозир шу куннинг натижалари билан эмас, балки келгуси давр ўлчамлари билан ишлашни лозим. Шу маънода, ушбу соҳада нима учун қўйилган тўб узгартириш эришолмаётганимиз, самарадорлик, айниқса, кишиларнинг реал даромадлари масалаларни таҳлил қилиш лозим муаммодир.

Кўни кеча Президентимиз Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги даражаси етарли эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Юртбошимиз бунинг сабабларига тўхталиб, қишлоқ хўжалигидagi хусусийлаштириш ҳали охиригача чуқур ўтказилмаганлигини, хўжаликларнинг иш юриши усуллари аввалги қолдиқлар иш усулидан кам фарқ қилишини уқтирди. Оқибатда деҳқонлар ва ижарачилар, оилавий пудратчиларнинг хусусий мулк

лантириш мумкин эмас. Шунинг учун хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, айниқса, одамларда ерга эгаллик ҳиссини кучайтириш зарур. Ер киши ҳаёти даражасини белгиловчи асосий манба эканлигини деҳқон нафақат ҳис қилиши, балки уни амалда қўриши ҳам лозим.

Бу соҳада ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Шарқий Германия тажрибаси эътиборлидир. Бу ерда социалистик иқтисодиётни бозор иқтисодиётга ўтказиш модели 90-йилларда ишлаб чиқилди. Германия бирлаштирилгандан сўнг ушбу модел асосида қишлоқ хўжалигини адаптация қилиш қонуни қабул қилинди. Биринчи муаммо, албатта, ер масаласи эди. Давлат ерни кооператив хўжаликларга ва фермерларга ижарага бериш йўлини танлади. Кўпгина жамоа хўжаликлари тўдан янгида бўлган кооператив хўжаликларга айлантирилди. Гап шундаки, аввалданок деҳқонларга ер майдонини ёки тўлов тақлиф этилди. Бизилар бошқа соҳаларда ишлагани ёки мустақил фермер хўжалиги ташкил этишини афзал билдилар. Лекин

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида юзага келган нисбатан яхши аҳволи, авваламбор, Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган аграр сийёсатнинг самарасидир. Қишлоқ хўжалигининг асоси — ер ва техника воситалари республикамизда нафақат сақлаб қолини, балки кейинги йилларда уларнинг таркиби аста-секин яхшилаштириб бормоқда. Натижанда Ўзбекистон пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда олдинги марказини сақлаб қолди. Картошка ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Қанд лавлаги етиштириш йўлга қўйилди. Қишлоқда хусусийлаштириш жараёни тобора кў-

Ислом КАРИМОВ:
Эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир.

... СЕН ЗАМОНГА БОҚ!

ни чуқурлаштириш бўйича давлат сийёсатини ифодалаб бердилар, ҳар жабҳа бўйича аниқ вазифаларни кўрсатдилар. Маърузада кўтарилган масалалар бўйича Кенгаш қарори ҳам қабул қилинди. Дарвоқе, Президент бу сафар ҳам ўз аъёналарига содиқ қолиб, йиғилиш қатнашчиларидан ҳолис тақлифларини баён этишни сўрадилар. Нафақат Кенгаш аъзолари, балки журналистларнинг ҳам фооллиққа даъват этилди.

Гап шундаки, муайян масалаларга баҳо берилса, хулосанинг салмоғи ошади. Баъзан бир ўз эътиборли мулоҳоза ҳам умум ишимизда асқотиб қолиши мумкин. Бундай муҳит, меннинг назаримда, фақат демократик давлатларга хос.

Мен йиғилишда қайта қайта таъкидланган битта мавзу бўйича ўз фикрларимни билдиришга жам этмоқчи эдим. Гап бошқарув бўйича

нани ислох қилиш, раҳбарлар таркибиди ишлаётган кишилар тафаккурини янги мумкин. Модомики, биз адолатли ҳуқуқий жамият қуриш учун курашар эканмиз,

Бугуннинг гапи

лаш ҳақида. Биз кўпинча оддий одамларнинг дунёқарабини, бугунги кун талабларини мунособатини ўзгартириш зарурлиги хусусида гапираримиз. Тўғри, ерга, мулкка эгаллик тўғрисидаги шаклланишда бу омил ниҳоятда муҳим. Лекин ана шу жараёнда ҳам бошқарув бўйинида, айниқса, назорат этувчи, тақсимловчи, таъминловчи ўринларда ишлаётган раҳбарларнинг эл қузидоги хатти-ҳаракати бениҳоя муҳимдир. Одамлар тасавурида улар давлат вакили сифатида намоён бўлиб қолишган. Шу маънода, бирор раҳбар адолатсизликка йўл қўйгудек бўлса, умуман тизимнинг ноҳақлиги сифатида қабул қилиниши

қонун устуворлигига эришишда, аввало, раҳбарларнинг ўзлари намуна бўлишлари керак. Зотан, раҳбар нафақат ўзи учун, ойни пайтада қўл астидагилар учун ҳам масъулдир.

Амалда қандай бўлапти? Қонуннинг ҳар бир бандини одамлар онига сингдириб, кундалик фаолият орқали тушунтириб бораётган раҳбарлар ҳам бор, албатта. Лекин қонунни, аввало, ўзи бузаётган, бу билан номақбул намуна кўрсатаётган раҳбар, айтайлик, битта туманда ягона бўлса ҳам кўп. Бундай тоифадаги кишилар бошқарларнинг фикрини эшитмайдигани эмас, эшитишни ҳам хошлашмайди. «Ахир мен, бир кун бўлса

СОЛИҚЧИЛАР АНЖУМАНИ

Республика давлат солиқ хизмати идоралари раҳбарларининг оқило қилиб йиғилиши йилда солиқ қўмитаси раиси С.Алимов раислигида бошланган ушбу анжуманда солиқ хизмати идораларининг ўтган йилги иш фаолияти яқулилари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз 2000 йилги бюджет ва асосий макронийқисдий кўрсаткичлари тўғрисидаги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасидаги асосий вазифалар муҳокама этилди.

бар этилди, республика бўйича тушумларнинг ўсиши таъминланди. Шу билан бирга, бу боралда тайинлаш камчиликларга йўл қўйилди, ҳамма жойда ҳам солиқ қонунчилигига қатъий риоя этилиши таъминланди.

Анжуман дастурига қўра унинг қатнашчилари солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлар ва ўзгартишларга баъзилардан семинарнинг назарий ва амалий мушулоҳатларида турмушлар бўлиган ҳолда иштирок этади. Пойтахтнинг Миробод тумани ва Янгиёул шаҳар давлат солиқ инспекциялари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси компьютер ва ўқув марказлари фаолияти билан танишиб, тажриба алмашди.

Шўҳрат ЖАББОРОВ.

ТАБИАТ, ЖАМИЯТ, ИНСОН

АҚЛ ТИШИ

Ақл кириши учун ақл тиши чизишни кутиб ўтириш шарт эмас.

ХАТАР

Кўшни қишлоқда туғилган доғишманддан кўра ўз қишлоғидан чиққан тельба афзал, дейдиганлар жамият илдиизига тушган куртидир.

МЕХР ВА МАКР

Аёл меҳри — асалдек тоғли. Аёл макри — захардек тавфли.

АҚЛ ВА ТИЛ

Гоҳо ақл қанча қисқа бўлса, тил шунча узун бўлади.

МУНОЖОТ

Худодан, умр бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, бахт бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, фарзанд бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, давлат бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, омад бер, деб сўраганларни кўрдим.

Фақат... Худодан, эй яратган Эгам, мен-нодонга бир чимдим ақл бер, деб сўраган бандасини кўрмдим...

ИШОНЧ. ОРЗУ. УМИД

Ишонч йўқолса, Орзу қолади. Орзу йўқолса, Умид қолади.

Умид йўқолса... ҳеч нима қолмайди...

КАМОЛ ВА ЗАВОЛ

Одам ўз фарзандларининг йил сайин ўсиб, камол томон кетаётганини билдириб, ўз ота-онанинг йил сайин чўкиб, завол томон кетаётганини билмайди...

ПУЛ

«Пул — макруҳ нарса. Одамни бузади!»

Камбағал шундай деб, ўзини юпатади ва бора-бора қашшоққа айланади.

Бойвачча шундай деб, ўзгаларни юпатади ва бора-бора бойдадага айланади.

ЧЕГАРА

Одамзот нима учун кафтдек ҳовлисига гул экади? Ундан кўра шолғом экса, қозонига тушади-ку.

Одамзот нима учун ошбул чақчақини эшитганда энтиқиб кетади? Ундан кўра булбулни шўрвага солиб, пиширса, нафсини қондиради-ку.

Одамзот нима учун осмонда чарқлаб ётган юдузларни кўриб, кўнгли шавққа тўлади? Юдузлар унинг ҳамёнидаги тиллалар эмас-ку.

Одамзот нима учун китоб ўқиётиб, суюкли қахрамони ўлиб қолса, йиғлайди? Уни ёзувчи «ичидан тўқиб чиқарганини» билдири-ку.

Одамзот нима учун ўзга юртларга бориб беҳисоб мол-дунё орттирсаю, иттифоқо, болалиги

ўтган кулбаси тушйга кириб қолса, туни билан йиғлаб чиқади? Ахир у шоҳона қасрда яшайди-ку.

Одамзот нима учун боласининг бошида алла айтади? Гўдак алла эшитмас ухламайди?

Одамзот нима учун неварасини етаклаб неча замон аввал ўтиб кетган бобосининг қабрини зиёрат қилади? Марҳум уларни кўрмайди-ку...

Гап шундаки, Одамзотни ҳайвонотдан ажратиб турадиган чегара — шу!

Бу чегаранинг номи — Маънавият деб аталади!

БАРДОШ

Кексаларни, узоқ умр кўргани учунгина эмас, ҳаёт синовларига узоқ бардош бергани учун ҳам хурмат қилмоқ керак.

ЖАЗО

Эркак учун — сўққабош қолиш, аёл учун — эътиборсиз қолиш энг оғир жазодир.

«ДОНИШМАНД» СИЧҚОН

Ҳар яхшининг бир ёмони бор, деганлари бежиз эмас.

«Ошқоралик» удум бўлган кезлари фаройиб гуруҳ пайдо бўлди.

Ҳар мажлисда сўзга чиқмаса, кулогини кесади. Ўзи ўелинг тенги келади-ю, отангдан зўр насиҳат қилади.

— Ундоқ қилмоқ керак! Мана бундоқ қилмоқ керак! Шу гапга қарши бўлганларни йўқ қилмоқ керак!

... Қадимий хангома ёлмига тушади.

Сичқонлар кенгаш тўплаб, мушукдан қўтулиш йўлини излабди. Бир сичқон бағоят доно фикр айтибди:

— Кўнгирак топиш керак. Кўнгиракни мушукнинг буйнига илби қўйиш керак! Мушук қаерга борса, кўнгирак жиринглаб туриши керак!

Биз кўнгиракни эшитиб, қочиб кетишимиз керак! Охири, мушук очидан ўлиши керак! Шу гапга қарши чикқан сичқонларнинг думини кесиб керак!

Ҳамма қойил қолиб, доно сичқонга тасанно ўқибди. Мажлис охирида бир сичқон сўраб қопти:

— Ҳаммаси яхшию-я, ўша кўнгиракни мушукнинг буйнига ким илади?

Шу гап чиқиши билан сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган экан...

Албатта, маслаҳат бериш яхши, аммо, уни бажариш қийин. «Қилиш керак!» деган тушунча билан «Қилинди!» деган тушунча ўртасида узоқ, жуда узоқ масофа бор...

СЕВГИ НИМА?

Агар инсон севгининг барча сирасорини билганида эди, алақачон унинг модели — қолпини яратарди.

Севги ҳеч қандай қолипга снмгани учун ҳам абадий ва сирлидир!

«ЁЛҒОНЧИ» ҚОП

Бозор гавжум. Кекса деҳқоннинг сабаисига харидор бўлдим. Мушак сабини. Нокдек ярақлаб турибди. Мендан олдин келган шляпали харидор сав-

долашгунча пойлаб турдим. Шляпали сабини қоли билан оладиган, деҳқон нархни туширадиган бўлди.

— Манави қоп неча кило чиқади? — деди харидор бўзигача тўлдириб, устига сабини барги солинган қопни кўрсатиб.

— Мўли билан эллик кило, — деди деҳқон.

— Ҳарқалай тортиб кўрсакмикин? — деди харидор иккиланиброк.

— Бемалол, болам, бемалол! — Деҳқон раста бошига имо қилди. — Ҳов анови раста катта торози бор. Аравачи болани чақирсанг, қопи билан олиб борасан. Бирпасда тортиб кўрасан. Шундай бўлди. Харидор қопни те-

УШАЛМАС ОРЗУ

Қани эди, ёшлигинда кексалардек донишманд, кексайганда ёшлардек кучли бўлсанг...

МУАЛЛИМ

Деҳқон ерга нобоп уруғ сепса, аччиқ ҳосилини ўзи «ўриб олади». Ўша йил...

Ўқитувчи боланинг қалбига нобоп уруғ сепса, аччиқ ҳосилини бутун жамият «ўриб олади». Ингирма йилдан кейин...

Муаллим моддий бойлик яратмайди, дейдиганлар адашди!

НОУМИД-ШАЙТОН

Адолатпешалиги учун Анушервон Одил

йилда бир марта ҳосил берса, меники икки марта берди! Ноумид — шайтон!

— Кетдик! — дебди подшоҳ қулиб. — Бирпас ҳаялласак, бу чол бутун қазинани қоқлаб оладиган кўрилади!

... Қанийди, ҳамма одамлар ўша чолга ўқшаса! Ер юзи жаннат бўлиб кетарди-ёв!

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ОРЗУСИ

Икки кўчор сузиша, бўрининг сабисаи бутун бўлади...

ТОШ

«Бу дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади», деган тушунча маънавият кўзгусига отилган тошдир!

ОҚ ЛИБОС

Инсон бу дунёга келиб, кўз очган чоғи бошида турган оқ либоси одамни кўради.

Инсон бу дунёни тарк этиб, кўз юмаётган чоғи бошида турган оқ либоси одамни кўради...

Дўхтирларга таъзим қилин!

ЎЗЛИК

Кунларнинг бирида америкалик журналист билан ҳамсухбат

бўлиб қолдик. У ўзбеклар нима учун маҳаллани бунчалик хурмат қилишини, умуман, маҳалла дегани қандай институт эканини тушунтириб беришни сўради.

— Мен сизга маҳаллани тушунтиришга ожизман, жаноб! — дедим ростини айтиб. — Узр-ку, сиз уни барибир тушунмайсиз. Бунинг учун сиз ҳам, мен ҳам айбдор эмасмиз...

Тасаввур қилинг. Сизларда фарзанд воёга етиши билан ота ўйига аталган улш — капиталини беради. Шу кундан бошлаб йигитча мустақил ҳаётга қadam қўяди ва ўз кунини ўзи кўради.

Ўғил бир ойдан кейин бурнини тортиб келса, отаси уни ҳайлаб юборади... Бизда эса ота-она болани воёга етказди. Уйлантиради. Иложи бўлса, уй-жой қуриб беради. Бу ҳам етмагандек, невараларининг тўйини ҳам қилиб бергиси келади...

Сизларда Лос-Анжелесда яшайдиган ота вафот этиб қолсаю, Вашингтонда турадиган ўғил дафн маросимига боролмаса, иши кўпайиб кетгани учун ўғилдан ҳеч ким ранжмайди.

Бизда Фархонларнинг олис қишлоғида вафот этган отасини Тошкентда турадиган ўғил ўз қўли билан тупроққа топширмаса, ҳамма уни бир умр лаянатлайди: отасининг тобутини елкасида кўтармагани учун...

Сизларда ўн олти яшар болакай отаси билан юз доллар талашиб, судга мурожаат қилсаю, ғолиб чиқиб, отасини эллик минг доллар жарима тўлашга мажбур қилса, бу — демократия тантанаси саналади. Бизда эса бунақа болани оққалар дейдилар, ҳамма ундан юз ўғиради...

Сизларда бир қиз бегона эркек билан, нима десам экан, «ноқўлайроқ» қилиқ қилаётганини ён кўшниси кўриб қолсаю, қизнинг отасига хабар қилса, ота «ивгогар» кўшнини жазага тортиришга ҳақли: қизнинг шахсий ҳаётига дахл қилгани учун. Бизда шундай ҳолат рўй бергудек бўлса, беш кўча

нарида турадиган қўшни қизни қўлидан етаклаб келиб, унинг ўзига ҳам, отасига ҳам қаттиқ дашон бериши мумкин. Қизнинг отаси қўшнига миннатдорчилик изҳор қилади: қизнинг ор-номусини ҳимоя қилгани учун...

Сизларда бировнинг бошига иш тушса, дарҳол адвокатини чақиради. Бизда дарров маҳаллага югуради...

Биламан, жаноб. Маҳалла деганини барибир тушунтиролмадим. Ўғини сўрасангиз, «ўзбек» деган ибора ҳам «ўзига бек», деган маънони англатади, деган гап бор. Бунисини тушунтириш ундан ҳам мушкул... Албатта, жаноб, бу билан бировнинг удулари яхши, бировники ёмон, демокчи эмасман. Айтмоқчиманки, ҳар миллатнинг ўзлиги бор. Илмий тилда айтсак, бунинг оти менталитет дейилади!

ФАРЗАНДЛАРИМГА УГИТЛАР

Нодонлар даврасида қар бўл. Донолар даврасида соқов бўл.

Гўдақлигинда ота-онанг сени қанчалик авайлаган бўлса, кексайганида ота-онангнинг сен ҳам шунчалик авайла. Кексалик ҳам гўдақликдир.

«Дўстим менга нима берди?» дейишдан олдин «Мен дўстимни нима бердим?!» дейишни одат қил.

Аёлни кафтингда кўтар, аммо бошингда чиқарма...

Худо кўрсатмасин, бошингда оғир савдо тушса, яхши ҳамқасб оғир, яхши жўраларинг эмас, «ёмон» хотининг, «ёмон» болаларинг кунинга ярайди!

ТАБАССУМГА МОЙИЛА ГАЛАР

ҲАМЖИХАТЛИК

Эр уйига келмади. Хотин кечаси билан мижага қоқмай чиқди. Тонг саҳар эрининг дўстига кўнгирак қилди:

— Ваҳожон акам келмадилар. Хабарингиз йўқми, қайдага юрибдилар?

— Ташвиш қилманг, келин, — деди эрининг дўсти. — Ваҳожон бизниқида ётиб қолди. Кечаси мажлис чўзилиб кетди...

Хотин эрининг иккинчи дўстига кўнгирак қилди.

— Шунгайм бўғиласизми? — деди иккинчи дўсти. — Кеча Чирчиққа борувдик, хизматчилик-да! Ваҳожон бизниқида эди...

Хотин эрининг учинчи дўстига ҳам кўнгирак қилди.

— Ҳавотир олмагн, янгажон! — деди учинчи дўст. — Кеча десангиз, чет элдан меҳмонлар келиб қолса бўлади! Шуларни жойлаштиригунча тонгтар бўпкетди! Ваҳожон ака бизниқида ётиб қолдилар...

Хотин, фиғони фалакка чиқиб, дугонасига кўнгирак қилди:

— Эрим уйга келмади. Учта ўртоғига кўнгирак қилсам, уччਾਲасям эринг мениқида ётиб қолди, дейди!

Дугонасининг жаҳли чиқиб кетди:

— Э, Худо олсин эркек зотини! Уччਾਲасям бекор айтибди! Эрини мениқида эди!

«Жалқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририятини тўла компьютерлаштириш ва ягона компьютер тармоғини яратиш мақсадида ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА. Таклифларни қабул қилиш 2000 йилнинг 10 февралгача амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ. 2000 йил «Ижтимоий психология» мутахассислиги бўйича аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган Ва ажралмаган ҳолда қабул қилади. Биринчи турда хужжатлар 2000 йил 1 мартгача, иккинчи турда 2000 йил 1 октябргача қабул қилинади.

ГРИПП ? ТРИЦАТЬ ПЛЮС УНИ ЕНГИШДА БЕРДАМ БЕРАДИ. КУНИГА 3 ТА КАПСУЛА (ЖЕНЬШЕНЬ ПРЕПАРАТИ) АПТЕКАЛАРДАН СЎРАНГ.

Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги ва эпидемиология, микробиология ва жукумли касалликлар илмий тахририят институтининг жамоаси институтнинг собиқ директори, тиббий фанлари номзоли Қарим ЮСУПОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

БМТ Билан ҳамкорлик! Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонаси ҳамда Женевадаги Европа иқтисодий комиссияси. Ўзбекистон ўқувчилари учун БМТ мавзусида викторина ўтказилишини эълон қилади.

«Жалқ сўзи» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоев, И. Шогўломов, О. Қайиббергенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), У. Ҳошимов.